

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА ХИЛОЛА БАХРОНОВНА

**АСФИКСИЯ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА КЛИНИК-
ЛАБОРАТОР КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ПРОГНОСТИК
ИНФОРМАТИВЛИГИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Файзуллаева Хилола Бахроновна

Асфиксия билан туғилган чақалоқларда

клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг

прогностик информативлиги..... 3

Файзуллаева Хилола Бахроновна

Прогностическая информативность

клинико-лабораторных показателей у новорожденных,

родившихся в асфиксии..... 25

Fayzullaeva Hilola Bahronovna

Prognostic information content of clinical

and laboratory parameters in newborns

born in asphyxia..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА ХИЛОЛА БАХРОНОВНА

**АСФИКСИЯ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА КЛИНИК-
ЛАБОРАТОР КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ПРОГНОСТИК
ИНФОРМАТИВЛИГИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертатсияси мавзуси Олий таълим, фан ва инноватсиялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестатсия комиссиясида В2023.3.PhD/Tib1088 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.emerg-centre.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллаева Муhiba Негматовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шарипов Рустам Хайитович тиббиёт фанлари доктори, профессор Арипов Абдумалик Нигматович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70а-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургияси маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100 Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй, Тел/факс: (+99866)-233-30-34.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Шамсиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хозирги кунда хомила гипоксияси ва асфиксияси перинатал патологиялар структурасида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...неонатал патологик ҳолатлар янги туғилган чақалоқларнинг асфиксияси ва туғруқ травмаси, туғма ривожланиш нуқсонлар ва сепсис, шунингдек, эрта туғилишнинг асоратлари чақалоқлар ўлимининг умумий структурасида 5-ўринни эгаллаб, ўз ичига чала туғилганлик (28%), оғир инфекциялар (26%), туғруқ асфиксияси (23%)ни камраб олмоқда. Неонатал асфиксия болалар ўлимининг 48 фоизига сабаб бўлмоқда...»¹. Айни пайтда хомила асфиксияси билан туғилган чақалоқларда клиник лаборатор кўрсаткичларни ўрганиш асосида даволаш бўйича тавсиялар ва эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш, лаборатор ва инструментал белгилар намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари ва кечишини башорат қилиш, касалликнинг асоратларини ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда тиббиёт ҳамжамияти демографик муаммолари фонида сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, чақалоқлар асфиксияси ва унинг асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган катор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада хомиладорлик ва туғиш жараёнини мураккаблаштирадиган кўплаб шарт-шароитларнинг негизини ўрганиш, асфиксия билан туғилган чақалоқларда клиник лаборатор кўрсаткичларнинг прогностик информативлигини ошириш ва жараённинг дастлабки босқичларида эрта ташхислаш ва башорат қилишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, постнатал даврда учрайдиган касалликларни аниқлаш ва олдини олиш, даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...перинатал ва постнатал асоратларни олдини олишга қаратилган чора тадбирларни кенг қамровли қўллаш, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, чақалоқларда асфиксия асоратлари ривожланишининг юқори хавф омилларини аниқлаш, S-100 нейромаркерини диагностик аҳамиятини баҳолаш, унинг метоболитлар билан боғлиқлик даражасини ўрганиш натижасида эрта ташхислаш, даволаш ва профилактиканинг дифференцирланган дастурларини ишлаб чиқиш орқали асфиксиядан кейинги

¹World Health Organization. The top 10 causes of death. <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/the-top-10-causes-of-death>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2022—2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»

синдром ва унинг асоратларини ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199 - сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларида янги туғилган чақалок асфиксияси -бу туғилган захоти ўпкада эффектив газ алмашинувининг йўқлиги билан, юрак уруши ва тирикликнинг бошқа белгилари (мушакларнинг спонтан ҳаракати, киндик тизимчаси пульсацияси) сақланган ҳолда мустақил нафаснинг бўлмаслиги билан намоён бўлиши кўрсатилган (Н.П. Шабалов, 2019). Асфиксия патогенезини тизимли яллиғланишга жавоб синдромининг замонавий концепцияси нуқтаи назардан кўриб чиқиш керак. Бунда сурункали хомила ичи гипоксияси фонидаги асфиксия ва ўткир асфиксия патогенезининг етакчи буғинларга эътибор қаратиш лозим (Moon R.Y. et al.2022). Туғруқ асфиксияси диагностикаси ва миокард ишемияси келтириб чиқаришдаги ўрнига оид ишларни L. Jiang, Y. Li, Z. Zhang, L. Lin (2019), перинатал гипоксия диагностикаси изланишларини Н. Boskabadi, A. Moradi (2019), неонатал асфиксия ва ўртача ёки оғир гипоксик-ишемик энцефалопатия учун нозокомиал, она ва хомила хавф омиллари: ретроспектив когорт тадқиқотларини Wood. S., Crawford. S., Hicks. M., & Mohammd. K. (2021) олиб боришган.

Сурункали хомила ичи гипоксияси фонидаги асфиксия патогенези ўткир асфиксия патогенезидан сезиларли фарқланишини Ледякина Л.В., Балыкова Л.А., (2015) тадқиқотларида таъкидлаб ўтади, унга кўра антенатал энцефалопатиялар, ангиопатиялар, пневмопатиялар, энзимопатиялар, патологик ацидоз ва иммунодефицитлар фонида ривожланади, яъни бундай гипоксиянинг асосий метаболик компоненти патологик гипоксемия, гиперкапния ва метаболик ацидоз билан чақалок туғилган захотиёқ биргаликда намоён булади. Патологик ацидоз гемодинамика, гемореология ва транскапилляр алмашинув учун турли оқибатларга олиб келадиган мембраналар зарарланиши билан қақрилади. Кузнецов П.А., Козлов П.В. (2017) изланишларида асфиксия ва унинг оғирлик даражалари асосий мезонларини ўрганиб қуйидагича таърифлашди: адекват терапияга жавоб,

хаётий функцияларга етказилган зарарнинг оғирлиги акс эттирувчи эрта неонатал даврда патологиянинг кечиши ва оқибати, ҳамда асфиксиянинг оғирлиги туғруқ залида эмас, чақалоқ хаётининг биринчи суткаси сўнгида ташхисланади. Неонатал асфиксия биомаркерларини очиш борасидаги тадқиқотлар М.А. Гончарь, Е.В. Иванова (2019), чала туғилган чақалоқларда ўткир респиратор дистресс-синдром морфологик изланишларини С.А. Перепелица (2020) ўтказишган.

Ўзбекистонда янги туғилган чақалоқларда метаболик ҳолат тўлиқ муддатли ва эрта неонатал даврда эрта туғилиш белгилари бўлган хомила гипоксия ва анамнезида ўткир асфиксия билан касалликнинг преклиник босқичида полиорган ўзгаришининг даракчиси сифатида юзага келиши мумкин бўлган дисэлектролитемияни аниқлаш борасидаги ишлар М.Н. Абдуллаева (2021) томонидан тадқиқ этилган. Янги туғилган чақалоқлар марказий нерв тизими перинатал зарарланишинида нейросонографик ва эхокардиографик кўрсаткичларининг ўзаро корреляцион боғлиқлигига оид тадқиқотларни Н.М. Шавази (2022) олиб боришган. МАТ зараланишининг эрта диагностикасида адекват терапияни танлаш учун нейроспецифик оқсиллар махсули маъумотларига кўра уларнинг динамикасини ўрганишда нейротрофик оқсил, нейроспецифик енолазанинг диагностик ахамиятини Ф.Ф. Турсунбаева, У.Ф. Насирова,(2019) Г.С.Халимбетова (2017) ўз изланишлари натижасида ўрганишди, аммо етакчи метаболик силжишлар ва даволашни корекциялаш билан солиштириш орасидаги боғлиқлик тўғрисида бизда мавжуд бўлган адабиётларда ёритилмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, асфиксия билан туғилган чақалоқларда клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг прогностик информативлигини аниқлаш, метаболик ва адаптив кўрсаткичларини баҳолаш, асфиксия натижасида келиб чиқадиган полиорган етишмовчиликни олдини олиш ва даволаш схемаларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалда бажариш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети амалий тадқиқот лойиҳасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» (2019-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади асфиксия билан туғилган чақалоқларда клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг прогностик информативлигини аниқлаш ва терапевтик корекциялаш чора тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кузатилаётган чақалоқларда асфиксиядан кейинги асоратлар шаклланишининг юқори хавф омилларини аниқлаш;

маълум бир патологик ҳолат шаклланишининг предиктори сифатида намоён бўладиган клиник-лаборатор ўзгаришларни аниқлаш;

намоён бўладиган клиник ва биокимёвий ўзгаришлар орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

постасфиксик ўзгаришларни комплекс даволашда цитофлавин препарати самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд шаҳар 1сон туғруқ мажмуасида 38-40хафта гестацион муддатда асфиксия билан туғилган 120 нафар чақалоқлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник ва лаборатор текширувлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби, ҳамда сийдик таҳлиллари учун пешоб ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, биокимёвий, иммунофермент, инструментал статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чақалоқларда асфиксия асоратлари ривожланишининг юқори хавф омиллари (экстрагенитал - нафас йўллари ўткир инфекцияси 80%; камқонлик 63%; хомиладорлар гипертензияси 34% ва интранатал - хомила стресси 80%; туғруқ ҳаракатларининг бузилиши 60%; йўлдошнинг вақтидан олдин кўчиши 53%; киндик ўралиши 47%; сувсизлик 30%) аниқланган;

чақалоқлар асфиксиясида полиорган етишмовчилигининг бошқа белгилари билан бир қаторда неврологик симптоматиканинг устунлиги S-100 нейромаркерини аниқлаш орқали асосланган;

асфиксия билан туғилган чақалоқларда S-100/Ca ҳамда S-100/Mg орасида ўрта оғир даражадаги асфиксияда кучсиз мусбат, оғир даражада манфий корреляцион боғлиқлик аниқланган;

асфиксия билан туғилган чақалоқларда анъанавий даво усули билан биргаликда цитофлавин дори воситасини қўшимча қўллаш натижасида даволашдаги дифференциал ёндашувлар самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

асфиксия билан туғилган чақалоқларда метаболик статус ва кислота-асос ҳолати комплекс баҳоланган;

чақалоқлар асфиксиядан кейинги ҳолатда полиорган етишмовчиликлар ривожланиш хавфида, метаболик ацидоз ва МАТ перинатал зарарланиш ҳолатини баҳолаш, узоқлашган неврологик симптоматика ривожланишини прогнозлаш имконини берган;

эрта неонатал даврда клиник-лаборатор силжишларга мувофиқ МАТнинг узоқлашган симптоматикасини прогнозлаш усули ишлаб чиқилган;

асфиксия билан туғилган чақалоқларда метаболик силжишларни коррекциялаш, узоқлашган неврологик симптоматика учун «хавф гуруҳ» ларини диспансеризациялаш ва кузатувдаги чақалоқлар ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган кўрсатмалар амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги,

қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида асфиксия билан туғилган чақалоқларда марказий асаб тизимидаги бузилишларини эрта ташхислашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти S-100 нейротести маркери қўлланилиши билан, чақалоқлар асфиксиядан кейинги синдромида асфиксия оғирлик даражаси ва чақалоқ гестацион муддатига нисбатан тана вазнига боғлиқ бўлмасдан полиорган етишмовчиликлар симптоматикасида МАТнинг перинатал зарарланиши устунлик қилиши, S-100 нейротести маркерининг юқори кўрсаткичи, декомпенсацияланган метаболик ацидоз билан бирга чақалоқ хаётининг дастлабки соатларида кузатилиб, динамикада чақалоқ хаётининг бешинчи кунда нейротест маркерининг ўртача пасайиши бу эса узоқлашган неврологик симптоматика шаклланиш «хавф» ининг лаборатор феномени сифатида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асфиксия билан туғилган чақалоқларда метаболик статус ва кислота-асос ҳолати комплекс баҳолаш, декомпенсацияланган метаболик ацидозни комплекс интенсив терапияга «Цитофлавин» препаратини киритиш билан ўз вақтида «терапевтик дарча» принципига мувофиқ коррекциялаш натижасида постасфиксик асоратларни камайтиришга, марказий асаб тизимининг ишемик ва геморрагик шикастланишларни олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 12.05.2022 йилдаги 201/1-сонли буйруқ, Навоий вилояти перинатал маркази 21.04.2022 йилдаги 24/1сонли буйруқ ҳамда Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 12.11.2022 йилдаги 29/1-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган.

Чақалоқлар асфиксиясида полиорган етишмовчилигининг бошқа белгилари билан бир қаторда неврологик симптоматиканинг устунлиги S-100 яъни МАТ перинатал шикастланиш маркери билан тасдиқланди, бу кўрсаткич соғлом янги туғилган чақалоқларга қараганда 3 дан 5 барабар кўп, ва бу силжишлар янги туғилган чақалоқлар асфиксиясида тана вазнининг ўзгариши билан кўпроқ намоён бўлди. S-100 нейротести маркерининг юқори кўрсаткичи, декомпенсацияланган метаболик ацидоз билан бирга чақалоқ хаётининг дастлабки соатларида кузатилиб, динамикада чақалоқ хаётининг бешинчи кунда нейротест маркерининг ўртача пасайиши намоён бўлди, аммо кўрсаткич соғлом чақалоқларникига етмади, бу эса узоқлашган неврологик симптоматика шаклланиш «хавф»ининг лаборатор феномени сифатида қўлланилиб, ортиқча сарф харажатлар камайиши ҳисобига давлат бюджети маблағларини иқтисод қилишга эришилган. Асфиксия билан туғилган чақалоқларда ўтказилган комплекс лаборатор текширувлар, анъанавий даво

усулини цитофлавин билан коррекциялаш, бемор чақалоқлар ётоқ кунини 7 кунга қисқарганлиги ҳисобига ётоқ кунидан 397000 сўм давлат бюджети маблағларини иқтисод қилишга имконини берди.

S-100 нейротестининг юқори даражаси, ҳамда унинг гипокальцемия, гипомагнемия ва гипогликемия билан боғлиқлигини, полиорган етишмовчилик белгиларидан яққол клиник белгилар фонида неврологик симптоматика ва узоқ вақтдан сўнг намоён бўладиган асоратлар шаклланишининг аниқланган клиник-лаборатор предиктори деб ҳисоблаш мумкин. Нейротест S-100 ва Са ва Mg метаболитлари ўртасидаги корреляцион кўрсаткичлари ўрганилаётган S-100 нейротестнинг Са ва Mg метаболитлари билан таққослаганда етакчи диагностик ахамиятини кўрсатди бу эса неонатал даврда, нейротест S-100 нинг юқори даражаси қаторида неврологик симптоматика ривожланишида фон яратадиган, гипокальцемия, гипомагнемия, гипофосфатемия кузатилишини инобатга олиб, диспансеризация режасида кальций, магний, фосфорни ўз вақтида коррекциялашни назорат қилиш узоқлашган неврологик симптоматика ривожланишини прогнозлашда лаборатор феномен сифатида хизмат қилди ва беморларнинг 97% ида постгипоксик асоратларни эрта ташхислаш имконини берди.

Даволаш тадбирларига метабolik ацидозни бартараф этиш мақсадида комплекс интенсив терапияга «Цитофлавин» препаратини қўшимча киритиш постасфиксик асоратларни камайтиришга, марказий асаб тизимининг ишемик ва геморрагик зарарланишини олдини олишга, узоқлашган неврологик симптоматика учун «хавф гуруҳ» ларини диспансеризациялаш ва кузатувдаги беморлар хаёт сифатини яхшилаш имконини берди.

«Асфиксия билан туғилган чақалоқларда клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг прогностик информативлиги» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 2022 йил 10 майдаги 1396-сонли хати юборилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 августдаги 8н-з/423-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинди ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги ва талабгорлигига, тадқиқот мақсад ва вазифалари асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Чақалоқлар асфиксияси ва асфиксиядан кейинги синдром тўғрисида тушунча**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш миллий модели, чақалоқлар асфиксияси ва постасфиксик синдром тўғрисида замонавий қарашлар, асфиксиядан кейинги синдром клиник вариантлари тўғрисидаги маълумотларга бағишланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг клиник материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 38-40 ҳафта гестацион муддатида, физиологик туғруқ ва кесарча кесиш йўли билан туғилган, туғруқ вақтида турли даражада асфиксияни ўтказган жами 120 нафар чақалоқларда ўтказилган даволаш чоралари ва тадқиқотда қўлланилган клиник, инструментал, лаборатор текширувлар акс эттирилган. 3 гуруҳ шакллантирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Туғруқ вақтида турли даражада асфиксияни ўтказган 120 нафар чақалоқлар гуруҳлари

I гр n= 30				II гр n=70				III гр n=20			
Ia гр		Iб гр		IIa гр		IIб гр		IIIa гр		IIIб гр	
abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
14	47	16	53	52	74	18	26	8	40	12	60

Изоҳ: гуруҳларга нисбатан олинган.

I гуруҳ – 30 нафар чақалоқлар, асфиксия билан туғилган, гестацион муддатига нисбатан кам вазнли чақалоқлар (<2499г); II гуруҳ – 70 нафар, асфиксия билан туғилган, гестацион муддатига мос тана вазнда туғилган чақалоқлар (2500-3999г), III гуруҳ – 20 нафар, асфиксия билан туғилган, гестацион муддатига нисбатан катта вазнли чақалоқлар (>4000г). Назорат гуруҳини эса 15 нафар ҳомиладорликнинг нормал кечиши ва физиологик туғруқ йўли билан 39-40ҳафта гестацион муддатида 3000-3500г туғилган, соғлом чақалоқлар ташкил этди.

Оналарнинг ўртача ёши 17-40 ёшни ташкил этди. Анамнестик маълумотлар таҳлилида асосан антенатал ва интранатал гипоксия ривожланишининг юқори хавф омилларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқотга киритилган аёлларнинг ёши ўртача таққосланган. Таққослаш гуруҳларида 35 ёшдан катта ёш тоифасидаги вакиллик 23,7%, 20% ва 10 % эди ва аёлларнинг репродуктив хулқ-атворининг замонавий тенденциясини акс эттирувчи назорат гуруҳига нисбатан юқори частотага эга эди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳлар оналарининг ижтимоий-биологик анамнези таҳлили

Кўрсаткичлар	I гр., n=30	II гр., n=70	III гр., n= 20
Ёш	35 ёш ва ундан кичик		
	23 (76,7%)	56 (80%)	18 (90%)
	35ёшдан катта		
	7 (23,7%)	14 (20%)	2 (10%)
Социал омиллар			
Олий маълумотли, n(%)	10 (33%)	28 (40 %)	2 (10 %)
Ўрта маълумотли, n(%)	12 (40%)	30 (43 %)	8 (40%)
Таълим олаётган, n(%)	5 (16%)	6 (8 %)	2 (10%)
Зарарли одатлар			
Тамаки чекиш, n(%)	4 (13%)	8 (11%)	3 (15%)
Алкогол, n(%)	2 (6 %)	4 (6%)	2 (10%)
Оилавий шароити			
Никоҳда, n(%)	26 (87%)	56(80 %)	14 (70%)
Яшаш шароити			
Шаҳар, n(%)	12 (40%)	28 (40 %)	6 (30%)

Изоҳ: гуруҳларга нисбатан олинган.

Ижтимоий факторлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўрта-махсус таълим солиштирма частотаси таққослаш гуруҳидагиларда, назорат гуруҳидагиларга нисбатан юқори бўлиб (40%, 43% ва 40%), бу эса ўрганилаётган аёлларда ҳомила ичи гипоксиясининг антенатал профилактикаси бўйича етарли маълумотга эга эмаслигини ва бу ҳолат постнатал дизадаптация ривожланиш хавф омили сифатида қаралиши мумкин.

Фарзандлари ҳомила ичи гипоксиясини ўтказган аёллар орасида, назорат гуруҳидагилардан фарқли равишда зарарли одатларга рўжу қўйиш юқори частотани кўрсатди. Зарарли одатлари бўлган аёллар юқори кўрсаткичи IIIгруппада белгиланди (13%, 11% ҳамда 15%). Болалари ҳомила ичи гипоксияси билан туғилган танловимиздаги аёлларнинг яримидан кўплари, қишлоқ шароитида истиқомат қилиши аниқланди (60% ва 70%).

Ҳомила ичи гипоксиясини кечирган чақалоқлар оналарининг барчасида, акушер-гинекологик анамнез асорати кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳлар оналарининг акушер-гинекологик анамнези таҳлили

Кўрсаткичлар	I гр., n=30	II гр., n=70	III гр., n=20
Қайта хомиладорлик n(%)	14 (46%)	28 (40 %)	12 (60%)
3 ва ундан ортиқ хомиладорлик, n(%)	5 (16%)	16 (23%)	4 (20%)
Биринчи туғруқ, n (%)	10 (33 %)	24 (35%)	8 (40%)
3 ва ундан ортиқ туғруқ, n (%)	2 (7 %)	8 (11%)	3 (15%)
Тиббий абортлар, n(%)	1 (3%)	2 (3%)	0
Табиий абортлар (ўз-ўзидан хомиланинг тушиши), n(%)	1 (3%)	2 (3%)	1 (5%)
Хомиланинг бачадон ичи нобуд бўлиши, n(%)	1(3%)	4 (5%)	0
Қайта кесарча-кесиш, n(%)	9 (30%)	28 (40 %)	6 (30%)
Бачадон миомаси, n(%)	3 (10%)	7 (10 %)	1 (5%)
Эндометриоз, n(%)	4(13%)	18 (26 %)	2 (10%)
Чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари, n(%)	6 (20 %)	20 (28%)	5 (25%)

Изох: гуруҳларга нисбатан олинган.

Ўрганилаётган гуруҳларда экстрагенитал патология таҳлили, ҳолатининг оғирлигига қараб кесарча-кесиш операцияси ўтказилган аёлларда, касалликнинг юқори даражасини аниқлаш имконини берди. Уччала таққослаш гуруҳларида куйидаги фоизларда буйракнинг тубулоинтерстициал касаллиги қайд этилди- 36%, 17% ва 20 % (4-жадвал).

4-жадвал

Кузатилаётган чақалоқлар оналаридаги экстрагенитал патологиялар таҳлили

Кўрсаткичлар	I гр., n=30	II гр., n=70	III гр., n=20
Буйракларнинг тубуло-интерстициал касаллиги, n(%)	11 (36%)	12(17%)	4 (20%)
Қон айланиш тизими касалликлари, n(%)	2 (7%)	8 (11 %)	1 (5%)
Вегетатив нерв тизими касалликлари, n(%)	3 (10 %)	7 (10%)	2 (10%)
Семизлик, n(%)	6 (20 %)	12 (17 %)	4 (20 %)
Хазм қилиш тизими аъзолари касалликлари, n(%)	8 (27%)	18 (25 %)	3 (15 %)
Нафас аъзолари тизими касалликлари, n(%)	8 (27%)	14 (20%)	6 (30%)
Қалқонсимон без касалликлари, n(%)	10 (33%)	22 (31%)	8 (40%)
Кўриш патологиялари, n(%)	4 (13 %)	11 (16%)	2 (10%)
Юқори нафас йўллари ўткир инфекцияси, n(%)	22 (75 %)	56 (80 %)	14 (70%)

Изох: гуруҳларга нисбатан олинган.

Кесарча кесиш операциясини ўтказишга асосий кўрсатмалар таҳлили шуни кўрсатдики, муддатли ҳомиладорликда режали кесарча кесишни ўтказиш, ҳомиланинг ўсиш ва ривожланишига кам таъсир этадиган, аммо табиий туғруқни имконисиз ҳолатлари: олдинги кесарча кесиш операциясида қолган бачадон чандиғи (28%, 28% ва 17%), аёлларда кўриш ўткирлиги патологиялари (миопия), шох парда касалликлари (14% ва 11%) ҳисобланди. Туғруқ ҳаракатлари бошланмасдан, режали кесарча кесиш операциясига олишнинг бошқа кўрсатмалари, ҳомилада плацентар бузилишлар (14%, 16% ва 13%) натижасида ҳомиладорликнинг эрта тугаши, оғир преэклампсия (14%, 11%, 17%). (5-жадвал)

5-жадвал

Режали ва шошилич кесарча кесиш ўтказиш учун асосий кўрсатмалар таҳлили

КК га кўрсатмалар, n(%)	Режали кесарча кесиш		
	I гуруҳ n=7	II гуруҳ n=18	III гуруҳ n=6
Қайта кесарча кесиш	2 (28%)	5 (28%)	1(17%)
Кўриш патологияси	1 (14%)	2 (11%)	0
Оғир преэклампсия	1 (14%)	2 (11%)	1 (17%)
Плацентар бузилиш	1 (14%)	3 (16%)	2 (33%)
Она тос соҳасининг аномалияси туфайли туғруқнинг қийин кечиши	1 (14%)	4 (22%)	2 (33%)
Соматик касалликлар	1 (28%)	2 (11%)	0
	Шошилич кесарча кесиш		
	I гуруҳ n=5	II гуруҳ n=10	III гуруҳ n=5
Туғруқ ҳаракатларининг бузилиши	1 (20%)	3 (30%)	0
Онага тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб этадиган диспропорцияга олиб келган йирик ҳомила.	0	2 (20%)	3(60%)
Онага тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб этадиган ҳомиланинг нотўғри ҳолати	1(20%)	2 (20%)	0
Йўлдошнинг муддатидан олдин кўчиши	2 (40%)	2(20%)	1 (20%)
Оғир преэклампсияни даволашнинг самараси ёки динамикаси бўлмаслиги	1 (20%)	1 (10%)	1 (20%)

Изох: гуруҳларга нисбатан олинган.

Барча асфиксия билан туғилган чақалоқлар монитор кузатув бўлди. Мониторинг клиник мониторинг, аппарат мониторинг, лаборатор мониторингдан иборат.

Клиник мониторинг қуйидагиларни ўз ичига олди: динамикада беморни кузатиш, анамнез билан танишиш, беморни кўздан кечириш пальпация, перкуссия, аускультация, тана массаси динамикаси, тана хароратини қайд қилиб бориш, чақалоқ безовталиги, қайд қилиши, талвасалар, қабул қилаётган сут миқдори, оксигенотерапия методикаси, қабул қилаётган суюқлик хажми


ва таркиби (озуқа ёки дори модда), суюқлик балансига мос равишда барча ажралмалар хисоби кузатилиб борилади.

Аппарат мониторинг- пульс, артериал босим, пульсоксиметрия, кардиомониторинг, нейросонография, ЭКГ, ички аъзолар, буйрак УТТси, ўпка рентгенографияси, КТ, МРТ. Лаборатор мониторинг- умумий қон тахлили, гематокрит, тромбоцитлар (оқимли цитометрия усулида), қон ивиш вақти(Сухарев бўйича), сийдик тахлили (Нечипоренко усулида), биокимёвий текшириш Merilyzer Clinic Quant биокимёвий анализатор (Хиндистон)аппарати ёрдамида қон зардобдаги глюкоза (глюкозооксидаза ферментатив усулида), билирубин ва унинг фракциялари(диазореагент ёрдамида колорометрик усулда), плазма электролитлари, кальций (Арсенazo III усулида), фосфор (ферментатив UV тест усулида), плазмада умумий оқсил(Биурет усулида), мочевина(Бертлот усулида), трансaminaзлар активлиги (Райтман-Френкел усулида), ишқорий фосфатаза (кинетик-колорометрик усулда) аниқланди. Қоннинг кислота-асос ҳолати pH, pCO₂, pO₂, SatO₂, HCO₃, BE, лактат миқдори, Газ анализатори ABL 800 FLEX (Япония)аппарати (FLEXMODE) аниқланди. S100-оқсили миқдорини аниқлаш эса Миндрай MP-96А анализаторида, ООО “ХЕМА” 125319 Москва S-100 ИФА реагент ёрдамида бажарилди.

Диссертациянинг **«Кузатилаётган чақалоқларда гипоксиядан кейинги ҳолатларнинг клиник-биокимёвий хусусиятлари»** деб номланувчи учинчи бобида неонатал даврда ўрганилаётган гуруҳдаги болалар клиник ҳолатининг ўзига хослиги ва умумий хусусиятлари келтирилган. Изланишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳомила ичи гипоксиясини ва туғруқда ҳомила дистрессини, оғир туғруқ асфиксиясини ўтказган, табиий ва кесарча кесиш йули билан туғилган турли гестацион ёшдаги 120 нафар чақалоқлар тадқиқот натижалари таҳлил қилинди. Аппарат шкаласи бўйича янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатини баҳолаш билан таққосланди. Бироқ соғлом чақалоқлар билан таққосланганда, гипоксия кечирган болаларда туғилганда тана массасининг ўзгариши билан чақалоқлар гуруҳида(яъни I ва III гуруҳларда) ҳамда Аппарат шкаласи бўйича 1-5 дақиқаларда балларда баҳолашнинг сезиларли паст кўрсаткичлари намоён бўлди.

Ҳомила ичи гипоксиясини ўтказган барча чақалоқларда эрта постнатал адаптация даври асоратли кечди. Ўтказилган ҳомила ичи гипоксияси янги туғилган чақалоқларда бир қатор патологик ҳолатларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Асфиксия билан туғилган чақалоқларда неврологик бузилишларнинг оғирлик даражаси-Чақалоқлар энцефалопатияси Amiel - Tyson &Ellison ва Sarnat &Sarnat классификацияси бўйича баҳоланди. Унга кўра энгил даража яъни Сарнат I даража - гиперкўзғалувчанлик, уйқунинг бўлмаслиги билан кўзларнинг катта очилганлиги, гиперестезия таққолаш гуруҳидагилар орасида II грда яъни гестацион муддатига мос тана вазнда туғилган чақалоқларнинг оғир асфиксия билан туғилганларида юқори кўрсаткични намоён этди(30%, 65%, 20%).

Асфиксия ўтказган болаларда марказий асаб тизимидаги бузилишларни қуйидаги умумий синдромларнинг намоён бўлиши билан тахлил қилдик (1-расм).



1-расм. Тадқиқот гуруҳидаги болалар нерв тизимидаги бузилишлар тахлили

Неонатал даврда бу болалар умумий аҳволининг оғирлиги асосан юрак-томир ва нафас етишмовчилиги кузатилди. Нафас бузилишини оғирлигини клиник баҳолаш кузатувдаги чақалоқлар учун Downes шкаласи бўйича ўтказилди. Унга кўра ҳомила ичи гипоксияси ўтказган болалар орасида нафас бузилишларисиз ҳолатлар III гуруҳда камроқ кўрсаткичга эга бўлди (6-жадвал).

Меконий аспирацияси синдроми таққослаш гуруҳидаги чақалоқларнинг 33%, 31%, 40%да кузатилди. Хомила ичи пневмонияси гипоксия кечирган чақалоқлар гуруҳларининг деярли чоракдан кўп қисмида намоён бўлди (36%, 26%, 38%). Нафас бузилиш синдроми асосан узоқ муддатли хомила ичи инфекцияси фонида ривожланган асфиксия кечирган болаларда, таққослаш гуруҳларда 46%, 20%, 28%ларда кузатилди. Нафас аъзолари томонидан ўзгаришлар деярли бир хил аммо, Downes бўйича 7-10 бб асосан III гр да бир оз юқори. Юрак-томир тизими статуси тахлиliga кўра, гиповолемик шок оксигенотерапияда ҳам ўтиб кетмайдиган цианоз, артериал гипотензия (систолик босим 50мл/смб.уст), қорин дам бўлиши, қорин олд деворининг чўкиши, гипотония ва паст йиғи каби клиник ҳамда умумий қон тахлилида гемокрит 0,4л/лдан паст бўлиши, гемоглабин 150г/л дан, капилляр қонда эритроцитлар сони $4,5 \times 10^{12}$ /л дан кам бўлиши каби лаборатор кўрсаткичлар билан намоён бўлиб, I грда 5%, II грда 10%, III грда 5% ҳолатларда кузатилди. Полицитемик синдром, хомила ичи гипоксиясини ўтказган кузатувдаги чақалоқлар гуруҳларида капилляр қонда гематокрит кўрсаткичнинг 0,7л/лдан ошиши билан, объектив кушингиод кўриниш, гилос рангидек цианоз билан кузатилиб, II ва

Шгурухларда 3% ва 5%ни ташкил этди. Юрак-томир тизими патологик кўрсаткичлари аритмиялар асосан Шгурухда юкори кўрсаткичга эга.

Айириш тизими статуси бўйича, олигурия кузатув гуруҳидагиларда 60%, 65%, 55% ида кузатилди. Айириш тизими томонидан асоратлар уччала гуруҳда ҳам деярли бир хил намоён бўлди

6-жадвал

Тадқиқот гуруҳдаги болаларда нафас тизими ҳамда юрак- томир, айириш, гемостаз, ошқозон -ичак тизимидаги бузилишлар частотасининг таҳлили

Кўрсаткичлар		I гуруҳ, n=30				II гуруҳ, n=70				III гуруҳ, n=20			
		1a	1б	a+б	%	2a	2б	a+б	%	3a	3б	a+б	%
Downes, балл, n(%)	0												
	1-3					8	2	10	14				
	4-6	6	4	10	33	16	12	28	40	4	2	6	30
	7-10	8	12	20	67	20	22	42	60	5	9	14	70
Меконий аспирацияси синдроми, n(%)		4	6	10	33	9	13	22	31	2	6	8	40
Хомила ичи пневмонияси n(%)		3	8	11	36	8	10	18	26	2	6	8	42
Нафас бузилиш синдроми (РДС) n(%)		4	10	14	46	4	10	14	20	2	4	6	28
Юрак-томир тизими статуси													
Аритмия, n(%)				18	60			38	54			15	75
Тахикардия		5	3	8		9	7	16		5	4	9	
Брадикардия		4	6	10		8	14	22		2	4	6	
Систолик шовқин, n(%)		12	14	26	88	26	30	56	80	8	9	17	86
Тон бўғиқлиги, n(%)		14	16	30	100	18	52	70	100	8	12	20	100
Цианоз, n(%)				30	100			70	100			20	100
Айириш тизими статуси													
Олигоурия n(%)		10	8	18	60	24	22	46	65	6	5	11	55
Гемостаз													
Геморрагик синдром:													
Петехиялар		6	6	12	40	11	9	20	28	3	3	6	30
Экхимоз		3	5	8	27	4	6	10	14	0	5	5	25
МИҚҚ n(%)		1	5	6	20	5	4	13	17	1	5	6	30
Ошқозон ичак тизими статуси													
Қайт қилиш				30	100			66	95			20	100
Ичаклар парези		3	5	8	27	6	8	14	20	0	2	2	10
Некротик энтероколит		5	7	12	40	9	12	21	30	1	2	3	15

Изох: гуруҳларга нисбатан олинган

Клиник вариантларнинг шаклланишида неврологик симптоматикани катта вазнли чақалоқларда талваса, кўзғалиш синдроми мияга қон қуйилиш хавфи белгилари устунлик қилиши билан, кам вазнли чақалоқларда эса гипоксик –ишемик энцефалопатия даврий талваса ва симптоматиканинг навбатлашиши белгилари билан устувор бўлиб, нормал вазнли чақалоқларда

эса талваса синдромининг сўниш синдроми, кўзғалиш синдроми билан навбатлашуви деярли бир хил эканлиги устунлик қилди.

Нафас аъзолари томонидан меконий аспирацияси, асфиксия ва пневмония тана вазнига боғлиқ бўлмасдан барча гуруҳдаги чақалоқларда кузатилди, ҳамда бу кўрсаткичлар оғир асфиксияда яққол намоён бўлди. Респиратор симптоматика оператив йўл билан туғилган чақалоқларда устунлик қилиб, бу гуруҳдаги чақалоқларда кесарча кесиш давомида хомила ўпка суюқлигининг динамикаси ўзига хослиги тўғрисидаги маълумотларни инкор этиб булмайди.


Гиповолемия белгилари учраши нормал вазндаги чақалоқлар гуруҳида, аритмия белгилари эса юқори вазнли чақалоқларда устунлик қилди, цианоз ҳам тана вазни кам ва катта вазнли чақалоқларда намоён бўлиб, геморрагик синдром билан биргаликда юзага келди. Айнан шуларда мияга қон қуйилиш белгилари кузатилди.

Қусиш ва қайт қилиш синдроми II ва III гуруҳдаги беморларда кузатилди, аммо ичаклар парези белгилари ва НЭЖ кам вазнли ва нормал вазнли чақалоқлар гуруҳида аниқланди.

Тадқиқот гуруҳларида метаболик жараёнларнинг интенсивлиги клиник, биокимёвий қон таҳлили, метаболитлар таҳлили, S-100 оксили, кислота-асос ҳолати ва қоннинг газ таркиби натижалари бўйича ўрганилди.

Нейротест S-100 оксили кўрсаткичини баҳолаш шуни кўрсатдики, кузатилган чақалоқлар туғилганидан киндик қонидан олинган яъни гемодинамик респиратор фаза даврида ҳамда хаётининг 5-қунида яъни метаболик адаптация фазаси даврида венадан олинган қондаги кўрсаткичларига кўра, II гуруҳ яъни гестацион муддатига мос тана вазнли чақалоқлар гуруҳининг асфиксия ўрта оғир даражаси билан туғилган чақалоқларда нейротест S-100 кўрсаткичи ошиши 160-187 нг/л (50-80%га), оғир асфиксия ўтказган чақалоқлар гуруҳида эса 258-288 нг/л (2-3 баробар юқори) бўлиб, бу ошиш кўрсаткичи МНС зарарланиши асфиксия оғир даражаси билан боғлиқ ҳолда ўзгариши кўрсатилди. 5 суткага келиб, иккала кичик гуруҳда ҳам бу кўрсаткичларнинг пасайиш тенденцияси юқори бўлиб, бу асфиксиядан кейинги ҳолатларда МНС нинг реакциясини намоён этди. Бу кўрсаткич соғлом болаларда 90-105 нг/л. Шу вақтда I гуруҳ яъни гестацион муддатига кўра кам вазнли чақалоқлар гуруҳининг ўрта оғир асфиксия билан туғилган чақалоқларда нейротест реакцияси 247-313 нг/л кўрсаткичга эга бўлиб, бу эса 3-4 марта бу кўрсаткич соғлом болаларга нисбатан ошиши кузатилди. Оғир асфиксия билан туғилган чақалоқлар гуруҳида ҳам бу кўрсаткич юқори даражада 255-414 нг/л (4 мартагача) ни ташкил этди ва мия ичи қон қуйилиш хавфи борлигини прогнозлашга имкон яратди. 5 суткада ушбу гуруҳда S-100 кўрсаткичининг тушиши соғлом болаларга яқин кўрсаткичда бўлди. Гестацион муддатига нисбатан йирик хомила ёки катта вазнли чақалоқ деб баҳоланган III гуруҳ чақалоқларда нейротестнинг активлашиш реакцияси ўрта оғир асфиксия билан туғилган чақалоқлар гуруҳида I таққослаш гуруҳидек аммо, оғир асфиксия билан туғилган чақалоқлар гуруҳида эса нейротестнинг активлашиши соғлом

болаларга нисбатан 5 марта юқори кўрсаткичга эга бўлиб, мия ичи қон қуйилишини ташхислаш ва даво муолажаларни терапевтик дарча давридан бошлаб бажаришни талаб этади (2 расм).




2 расм. Кузатувдаги чақалоқларда нейромаркер S-100 кўрсаткичининг таҳлили

Қоннинг кислота-асос ҳолатини ўрганишдан аниқландики, асфиксия билан туғилган чақалоқларда, оғирлик даражасидан қатъий назар, соғлом болаларга нисбатан асос, қон сатурацияси дефицитида яққол фарқлар борлиги, ҳамда таққослаш гуруҳларининг иккинчи кичик гуруҳларида соғлом болалар билан фарқлар рН ва қон бикарбонатлари даражасида ҳам мавжуд.

Кўрсаткичлар таҳлилига кўра II гуруҳ яъни гестацион муддатига мос тана вазнга эга чақалоқлар гуруҳининг ўрта оғир асфиксия билан туғилган чақалоқлар гуруҳида рН нинг пасайиши кузатилди аммо оғир асфиксия билан туғилган чақалоқлар гуруҳида бу кўрсаткич яққол намоён бўлиб, $PaCO_2$ ошиши ва $SatO_2\%$ нинг пасайиши ва ВЕ кўрсаткичининг ошиши билан намоён бўлди.


I гуруҳ яъни гестацион муддатига нисбатан кам вазнли чақалоқлар гуруҳининг ўрта оғир асфиксия билан туғилган чақалоқлар гуруҳида кислота-асос ўзгариши яққол, $SatO_2\%$ бирданига пасайган, асос етишмовчилиги деярли фарқланмайди, оғир асфиксия билан туғилган чақалоқлар гуруҳида эса ацидоз юқори кўрсаткичи, $PaCO_2$ ошиши ва $SatO_2\%$ нинг яққол пасайиши билан боғлиқ. III гуруҳ яъни гестацион муддатига нисбатан катта вазнли чақалоқлар гуруҳида эса оғир асфиксия ҳолатида ацидоз бошқа гуруҳга нисбатан яққол, $PaCO_2$ юқори, I-II гуруҳга нисбатан PaO_2 нинг камайиши $SatO_2\%$ нинг эса ўрта оғир асфиксия ўтказганларда 81,4-88,7% сақланганлиги, оғир асфиксия билан туғилганларда эса 51,7-81,5% кўрсаткичларини намоён этди бу эса ўтказилган узлуксиз оксигенотерапия билан боғлиқ (3 расм).



3 расм. Кузатувдаги чақалоқлар қонидаги кислота-асос ҳолати, газ таркиби кўрсаткичларининг таҳлили

